


XALQ TAVOBATI PLUS

Илмий, амалий, ижтимоий-сиёсий, маърифий журнал

№ 4 (13) 2022 йил

XALQ TABOBATI PLUS

илмий, амалий, ижтимоий, тиббий, маърифий журнал

Муассис ва ахборот ҳамкорлар

- Ўзбекистон тиббий-илмий фолият билан шуғулланувчилар Табобат Академияси
- «Табобат Академияси» нодавлат таълим муассасаси
- «Xalq tabobati plus» МЧЖ

ТАҲРИРИЯТ

Иброҳимжон АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси, кимё фанлари доктори, профессор

Камолиддин ҒОПИРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси бош илмий котиби, Ўзбекистон қаҳрамони, доцент

Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи, бош давлат санитария врачи, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ҳабибулло АКИЛОВ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жамшид МИРРАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг Халқ табобати илмий амалий маркази раҳбари

Неъматжон МАМАСОЛИЕВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси ҳақиқий аъзоси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуҳамид МАҲСУМОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари доктори, профессор

Зокиржон МАШРАБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор

Нодирбек АСҚАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раисининг биринчи ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор

Рустам ҲАМДАМОВ,
техника фанлари доктори, профессор

Рустамжон НУРИДДИНОВ,
кимё фанлари доктори, профессор

Анваржон ГАФАРОВ,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Нурали МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси ҳақиқий аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор

Миржалол МЎМИНЖОНОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси раиси ўринбосари, кимё фанлари доктори

Шокиржон ҚОДИРОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Иброҳимжон ИСМОИЛОВ,
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Улуғбек ВАЛИХОНОВ,
олий тоифали шифокор

Холиқжон СУЛАЙМОНОВ,
биология фанлари номзоди, доцент

Абдуқодир САТТАРОВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси аъзоси, олий тоифали шифокор

Обиджон АБДУЛЛАЕВ,
нодавлат Табобат Академияси таълим муассасаси директори, кимё фанлари бўйича фалсафа доктори

Лойиҳа муаллифи
Рустам САФОЕВ,
Ўзбекистон Табобат Академияси аъзоси

Бош муҳаррир
Шукур ЖАББОР

Саҳифаловчи
Мадинабону АБДУКАРИМОВА

МУНДАРИЖА

Самарқандда ўтказилган «Абу Али ибн Сино ва Буюк Ипак Йўли» I Халқаро илмий-амалий конференцияси тўғрисида.....2

"Товарлар кимёси ҳамда халқ табобати муаммолари ва истиқболлари" мавзусидаги IX-халқаро илмий-амалий конференцияси тўғрисида.....3

Ж.А.Миррахимов, И.Р Асқаров
Камқонлик касаллигининг турлари ва уларни халқ табобати усуллари билан даволаш.....4

Ш.И. Салихов, А.С. Тураев, А.Х. Исломов, О.О. Гайбуллаева
Қора андиз ўсимлиги илдизи таркибидаги минерал элементларининг миқдорини аниқлаш ва уларни халқ табобатида қўллаш.....7

А. Ўринбоев, М. Шаробиддинова
Махсус "кўчма қумли сауна" ёрдамида тиббиётда ва табобатда касалликларни даволаш ва олдини олиш.....11

И.Р. Асқаров, М.М. Мўминжонов, Н.Б. Атакулова
Тарвуз пўстлоғининг кимёий таркиби ва шифобахш хусусиятлари.....13

А.С. Ғофуров, И.Р. Асқаров, Ш.М. Қирғизов
Зайтун мойининг шифобахш хусусиятлари.....15

Л.Р. Раждабова
Контрафакт ва фальсификация қилинган дори воситаларининг индентификациялаш усуллари.....17

М.М. Боқиев, И.Р. Асқаров
Қандли диабет касаллигини даволашда айрим синтетик дорилар ва табиий воситаларни ўрни.....21

Е.А. Харибова, Д.И. Ходжаева
Сут бези саратони билан даволанган беморларнинг реабилитациясига замонавий ёндашув.....23

З.Қ. Ахмедова, И.Р. Асқаров, Ш.М. Қирғизов
Андиз ўсимлигининг кимёвий таркиби ва тиббиётда қўлланилиши.....25

А.Х. Исломов, М.А. Хушвақова, А.С. Ишмуратова, А.А. Хушвақтов
Анжир меваси таркибидаги минерал элементлар ва уларни халқ табобатида қўллаш.....29

Н.О. Назарова, А.А. Жаббаров,
Люпус нефрит ривожланишида липид спектрининг роли.....33

А.Х. Исломов, И.Р. Асқаров, А.С. Тураев, Ш.А. Матамирова
Lagochilus inebrians ўсимлигидан олинган қон тўхтатувчи дориларни ҳалқ табобатида қулланилиши.....35

Ш.И. Наврўзова, А.Ў. Солиев
Артериал гипертония билан оғриган аёлларда ўсиш ва зарарланиш омиллари.....37

Д.Х. Мадазимова, А.А. Жаббаров
Covid 19 ўтказган сурункали буйрак касаллиги бор беморларда буйракларнинг функционал ҳолатини баҳолаш.....41

С.Д. Мадрахимова, Б.Я. Матмуратов, А.Д. Матчанов
CYDONIA OBLONGA MILLER меваси ва вегетатив органларидаги умумий оқсил миқдорини аниқлаш.....43

М.Б. Нураддинова, А.Х. Хайтбаев
Ўзбекистон республикасининг турли ҳудудларида ўсувчи EUPHORBIA MILII ўсимлиги ер устки қисмидаги вегетатив органларидаги витаминларнинг қиёсий анализи.....45

Профессор И.Р. Асқаровнинг парҳез муолажаларидан тавсиялар: хавфли ўсма касалликлари учун.....48

Таҳририятнинг розилиги билан «Xalq tabobati plus» журналида эълон қилинган материаллар кўчириб босишга рухсат этилади. Муаллифлар томонидан берилган мақола ва материаллар учун таҳририят жавобгар эмас. Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 27-августда 1035-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Нархи келишув асосида.

Мақолалар ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланади.

Босишга 14.10.2022 йда рухсат берилди. Офсет босма усулида чоп этилади. Бичими 60x84 1/8. Қоғоз ҳажми 5,5 босма табоқ. Адади: 900. Буюртма №

ХК «GUANGZHOU TRADING COMPANY» босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани 47А дом.

Таҳририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (371) 241-13-63

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1358

АНДИЗ ЎСИМЛИГИНИНГ КИМЁВИЙ ТАРКИБИ ВА УНИНГ ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

ХИМИЧЕСКИЙ СОСТАВ РАСТЕНИЯ ДЕВЯСИЛ И ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В МЕДИЦИНЕ

CHEMICAL COMPOSITION OF INULA PLANT AND ITS USE IN MEDICINE

[1]З.Қ. Ахмедова, [2]И.Р. Асқаров, [3]Ш.М. Қирғизов.

1. Фарғона Central asian medical university халқаро тиббиёт университети катта ўқитувчиси
2. Ўзбекистон "ТАБОБАТ" Академияси раиси, к.ф.д., профессор
3. Андижон Давлат Университети, кимё кафедраси профессори, к.ф.д.

Аннотация: *Мақолада Андиз (Inula) – қоқидошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми ҳақида келтирилган. 100 га яқин тури бор. Андиз асосан Европа, Осиё ва Африкада тарқалган. Ўзбекистонда 9 тури учрайди. Бўйдор Андиз (Қора Андиз– Inula helenium ва сариқ андиз– Inula grandis) турлари кўпроқ тарқалган. Шу асосий кўп тарқалган турларини кимёвий таркиби ва халқ табобатида қўлланилишини ўрганилди.*

Калит сўзлар: *Қора андиз– Inula helenium L. Сариқ Андиз– Inula grandis, эфир мойи, инулин, углеводлар, сапонинлар, алкалоидлар, смола, бўёқ, дигидроадантолактон, фриделин, даммарадиенилацетат, даммарадиенол, фитомелан, полиенлар, ацетилен, стигиастерин, псевдоинулин.*

Аннотация: *В статье описан Девясил (Inula) - многолетнее травянистое растение рода Девясил высокий. Существует около 100 видов. Andiz в основном распространяется в Европе, Азии и Африке. В Узбекистане 9 видов. Наиболее распространены девясилские виды (девясил высокий — Inula helenium и — Inula grandis). Изучен химический состав этих наиболее распространенных видов и их применение в народной медицине.*

Ключевые слова: *Девясил высокий - Inula helenium L., девясил крупный - Inula grandis), эфирное масло, инулин, углеводы, сапонины, алкалоиды, смола, краситель, дигидроадантолактон, фриделин, даммарадиенацетат, даммарадиенол, фитомелан, полиены, ацетат стигиастерина, псевдоинулин.*

Annotation: *The article describes the Inula - a perennial herb of the genus Inula. There are about 100 types. Inula is mainly distributed in Europe, Asia and Africa There are 9 species in Uzbekistan. The most common species are the Inula (Inula helenium and - Inula grandis). The chemical composition of these most common species and their use in folk medicine have been studied.*

Keywords: *Inula helenium L., Inula grandis, essential oil, inulin, carbohydrates, saponins, alkaloids, resin, dye, dihydroadantolactone, fridelin, dammaradieniene acetate, dammaradienol, phytomelan, polyenes, acetate stigiasterin, pseudoinulin.*

Ҳозирги кунда жуда кўп миқдордаги юқори самарали синтетик дорилар мавжудлигига қарамай, доривор маҳсулотларнинг арсеналида доривор ўсимликларнинг ўрни ва аҳамияти доимий равишда ошиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, синтетик яратилган кўплаб дорилар организмга ножўя таъсир қилади, бу нафақат частотада балки, идиосинкразик аллергик реакциялари оғир кўринишда ҳам ўтади. Шунинг учун фито препаратлари арсеналининг кўпайиши алоҳида аҳамиятга эга, тиббиётда аллақачон ишлатилган ўсимлик доривор препаратлари таъсир доирасини кенгайтириш билан

бир қаторда, кам ўрганилган ўсимликларнинг биологик фаол бирикмаларининг фармакологик фаоллигини излаш ва ўрганиш муҳим[1].

Кейинги 10 йилликларда, Ўзбекистонда ва дунёда доривор ўсимликларни биологик актив моддалар таркибини ўрганишга ҳам катта эътибор берилмоқда, чунки инсон танасидаги гормонлар, витаминлар, аминокислоталар, ферментлар билан боғлиқ бўлган оптимал миқдори ва нисбати физиологик жараёнларнинг нормал ўтишини таъминлайди ва уларнинг етишмаслиги инсон танасида турли хил патологик жараёнларнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.


Андиз (Inula) – қоқидошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтлар туркуми. 100 га яқин тури бор. Андиз асосан Европа, Осиё ва Африкада тарқалган. Ўзбекистонда 9 тури учрайди. Бўйдор Андиз (Қора Андиз– Inula helenium ва Сариқ Андиз– Inula grandis) турлари кўпроқ тарқалган.

Қора андиз (Девясил высокий) – Inula helenium L. бўйи 100-80 см келадиган йирик кўп йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади. Пояси битта ёки бир нечта, тик ўсади, юқори қисми шохланган. Илдиз олди барглари йирик, узун бандли, эллипссимон ёки чўзиқ тухумсимон ва ўткир учли бўлади.


Поясидаги барглари майдароқ, чўзиқ тухумсимон бўлиб, банди ёрдамида ёки бандсиз (поясининг юқори қисмидагилари) поя ва шохларида кетма-кет ўрнашган. Ҳамма барглари сертук (айниқса, пастки томони) ва тишсимон қиррали бўлади. Тилла сариқ гуллари пояси билан шохчалари учида қалқонсимон ёки шингилсимон тўпгул ҳосил қилувчи саватчалар – 145 та жойлашган. Қора андизнинг меваси – тўрт қиррали, чўзинчоқ. Қора андиз июл ойидан бошлаб сентябргача гуллайди, меваси август-октябрда етилади.

Қора андиз МДҲ давлатларининг Европа қисми, Кавказ, Марказий Осиё, Қозоғистон ва Ғарбий Сибирдаги тоғ этакларидан токи тоғларнинг ўрта қисмигача бўлган ўрмонларда, дарё водийларида, буталар орасида, ўтлоқларда, ўрмонлардаги очиқ жойларда ва бошқа намлик билан таъминланган ерларда ўсади. Тиббиётда қора андизнинг илдизпояси билан илдизи ишлатилади. Улар кузда меваси пишиб тўкилгандан сўнг ёки эрта баҳорда ковлаб олинади, тупроқ ва лойдан сув билан ювиб тозаланади, йўғонларини майдалаб, очиқ ҳавода – қуёшда қуритилади.


Қора андизнинг ер устки қисми таркибида 4,3% эфир мойи, 44% гача инулин ва бошқа углеводлар, сапонинлар, 0,16% алкалоидлар, смола, бўёқ ва бошқа биологик фаол моддалар бор. Андизнинг илдизпояларида ва илдизларида эфир мойи (1-3%), сапонинлар, смола, шилимшиқ ва аччиқ моддалар (охиргиси баргларда ҳам учрайди) мавжуд. Эфир мойининг асосий компоненти изоалантолактон аралашмаси бўлган алантолактондир. Уларнинг аралашмаси илгари геленин деб номланган. Бундан ташқари, ўсимлик илдизларидан дигидроалантолактон, фриделин, даммарадиенилацетат, даммарадиенол, фитомелан, тез тарқаладиган полиенлар ва бошқа ацетилен бирикмалар, шунингдек, стигиастерин, кўп миқдорда инулин ва псевдоинулин ажратилган.




Қора андиз қадимдан халқ табобатида турли касалликларни даволаш учун қўлланиб келинган. Уни Абу Али ибн Сино бўғим оғриганга, радикулит касалликларига даво қилган, сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилишидан ташқари, илдизи билан барғининг қайнатмасига докани ҳўллаб эт узилган жойга боғланган. Илдизпояси билан илдизининг қайнатмаси нафас йўллари касаллигида балғам кўчирувчи восита сифатида қўлланилади. Ер остки органларидан олинган аллантон препарати меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси касаллигини даволаш учун ишлатилади. Қора андиз препаратлари ва эфир мойи яллиғланишга қарши, антисептик ва гижжа ҳайдовчи (айниқса эфир мойи таркибидаги аллонтолактон ва изоаллонтолактон бирикмалари) таъсирга эга[2].




Alantolactone (11)




1-O-Acetylbritannilactone (12)



1-O-Acetyl-4α*H*-1,10-*seco*-eudesma-5(6),10(14),11(13)-trien-12,8β-olide (13)




Jaceoside (14)



Inulajaponicolide C (15)

Табобатда андизнинг бошқа турлари ҳам қўлланилади. Сариқ андиз деб номланувчи тури диёримизда кенг тарқарган.

Сариқ андиз (Девясил крупный) – Inula grandis Schrenk. ва Британия андизи (Девясил британский) – Inula Britannica L. турлари юқорида кўрсатилган касалликларни даволашда қора андиз билан бир қаторда ишлатилади.



Сариқ андизнинг ташқи кўриниши: турли шаклдаги узун, йўғон илдиз ва қисқа, йўғон ҳамда куя бошли илдизпоялардан иборат. Илдиз ва илдизпояси 2—20 см узунликда, 1-3 см йўғонликда бўлиб, усти буришган, кулранг-кўнғир тусли пўстлоқ билан қопланган. Ўсимликнинг ичи сарғишроқ эфир мойи турадиган ялтироқ қўнғир рангли жойлари бор. Ўсимлик мўрт, кўндалангига текис синмайди. Илдиз ва илдизпоя ўзига хос хушбуй, кучли хид ҳамда аччиқроқ ва ўткир мазага зга.

Сариқ андизнинг ер остки органлари таркибида 2,20-3,17% эфир мойи (асосий қисми аллантолактонлар), 2-20% қандлар, 12-32% инулин, 5,68-13,71% смолалар. 20,4-30,1% эфир мойи мавжуд. Баргида яна флавоноидлар, хромонлар, сапонинлар, алкалоидлар, сирка ва бензоат кислоталар учрайди. Сариқ андизнинг ҳамма органларидан грандилин, ивалин, грандин, игалин ва бошқа сесквитерпен лактонлар ажратиб олинган. Эфир мойи тез кўчувчи кристалл масса бўлиб, ўзига хос хид ва мазага эга. Эфир мойиниг кристалл қисми — геленин учта селинан типидаги сесквитерпен лактонларнинг (алантолактон, изоаланто-

лактон ва дигидроалантолактон) аралашмасидан иборат. Эфир мойи таркибида гелениндан ташқари, оз миқдорда алантол ва проазулен ҳам бор.

Қўлланилиши: Қора андиз препарати балғам кўчирувчи дори сифатида ҳамда меъда ва ичак касалликларида ишлатилади. Эфир мойи антисептик, гижжа ҳайдаш хусусиятига ва яллиғланишга қарши таъсирга эга. Унинг гижжа ҳайдаш хусусияти таркибида сантонинга ўхшаш таъсир этувчи моддалар — алантолактонлар борлигига боғлиқ. Қора андиз илдизлоя ва илдизидан аллантон доривор препарати олинган. Аллантон маҳсулотнинг сесквитерпенларининг йиғиндиси бўлиб, яллиғланишга қарши, қон томирларини мустаҳкамловчи ва антисептик таъсирга эга ҳамда меъда яра касаллигида яранинг битишини тезлатади. Бу препарат кунига 3—4 марта битта таблеткадан меъда ва ун икки бармоқ, ичак яра касаллигини даволаш учун истеъмол килинади. Доривор препарати, дамлама, аллантон таблетка холида) [3].

Ўсимлик илдиз қисмидаги макро- ва микроэлементларнинг таркиби,% да.

1-жадвал

№ Ўсимлик хом-ашёси	Ўсимлик қисмларидаги макро ва микроэлементлар (%) да							
	Ca	K	Na	Fe	Cu	Zn	Mn	Cr
	10-1	10-1	10-2	10-2	10-3	10-3	10-3	10-4
Қора андиз илдизлари	23,2	8,1	2,2	9,0	1,1	4,2	2,8	9,4
Сариқ андиз илдизлари	25,3	8,7	3,1	8,0	0,6	3,3	2,1	4,2

Бундан ташқари, гул ғунчаси ва унинг препаратлари думалоқ гижжалар (айниқса, аскаридалар) ни ҳайдаш учун ишлатилади. Маҳсулотдан олинган эфир мойи – дарминол бактерицид таъсирга эга, у антисептик дори сифатида ҳамда бод, невралгия ва бошқа касалликларни даволашда қўпланилади. Эфир мойидан олинган тваязулен яллиғланишга қарши кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун бронхиал астма, бод, экзема ва бошқа касалликларни ҳамда рентген нури таъсирида куйган жойларни даволашда ишлатилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *Гаммерман А.Ф., Кадаев Г.Н., Яценко-Хмелевский. Лекарственные растения. - М. Высщая школа, 1990. С. 348.*
2. *Chemistry of Natural Compounds. Vol. 48, No. 3. July, 2012 [Russian original May june, 2012] chemical constituents of the roots of inula helenium huo yan,1 shi haiming. 2 guo cheng,1* and li xiaobo2*
3. *X.X. Xolmatov farmakognoziya i q is m ('bullion nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi toshkent — 2008*
4. *Chemical Composition, Antidiabetic, Anti-inflammatory and Antioxidant Activity of Inula ensifolia L. Essential Oil (2019).*
5. *Active ingredients of Inula helenium L. exhibits similar anti-cancer effects as isoalantolactone in pancreatic cancer cells (2020).*